



6

140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, з.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20.10.16 у.г «10» октябрь

№ 2653-к

Иштихон ш.-г.Иштыхан

Тумандаги “ZARBAND MEVA EKSPORT” маъсулияти чекланган жамиятига “Файзиобод” кишлок фуқаролар йиғини Кўтарма кишлоги худудидан “Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда қурук меваларни сақлаш” биноси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлок хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон туманидаги “ZARBAND MEVA EKSPORT” маъсулияти чекланган жамиятининг “Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда қурук меваларни сақлаш” биносини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган хатига асосан, “Файзиобод” кишлок фуқаролар йиғини Кўтарма кишлоги худудидаги 74-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан “Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда қурук меваларни сақлаш” биносини жойлаштириш бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 1 июлдаги 07-16/19-1045-сонли ижобий хулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 10 сентябрдаги 1258-сонли хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 28 сентябрдаги 37-сонли далолатномасини кўриб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Қишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2016 йил 1 июлдаги 07-16/19-1045-сонли ижобий хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 10 сентябрдаги 1258-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 28 сентябрдаги 37-сонли далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Файзиобод” кишлок фуқаролар йиғини Кўтарма кишлоги худудидаги 74-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлок хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан “ZARBAND MEVA EKSPORT” маъсулияти чекланган жамиятига “Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда қурук меваларни сақлаш” биноси қуриш ва ободонлаштириш учун умумий майдони 1,02 (бир бутун ўндан икки) гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “ZARBAND MEVA EKSPORT” маъсулияти чекланган жамияти (Ф.Қурдашев)га рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиҳа олди ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва 1 (бир) йил муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси ҳамда қурук меваларни сақлаш” биносини қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов